

## Сийрат дарслари (212-дарс) Набий алайҳиссалом хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар



19:00 / 07.01.2023 3895

820. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

821. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бану Ҳошимдан бир неча киши Асма бинт Умайснинг олдига киришди.

Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ кирди – ўшанда аёл унинг никоҳида эди – ва уларни кўриб, ёқтирмади. Кейин буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилди ва: «Яхшиликдан бошқани кўрганим йўқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ уни бундан оқлади», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб: **«Бугундан бошлаб ҳеч бир эркак эри бўлмаган аёлнинг олдига кирмасин! Фақат у билан бошқа бир ёки икки киши бўлса, майли»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

822. Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўсатдан назар тушиб қолиши ҳақида сўрадим. Шунда у зот кўзимни бошқа томонга буришимга амр қилдилар».

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

823. Бурайда ибн Ҳусойб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алийга: **«Эй Алий, назарга назарни эргаштирма. Албатта, биринчиси сен учун безарар бўлса ҳам, бошқаси ундай эмас»**, дедилар».

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

\* \* \*

824. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар ҳамда: «Уларни уйлариингиздан ҳайдаб чиқаринглар»**, дедилар. Сўнг Набий

**соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончини ҳайдаб чиқардилар, Умар фалончини ҳайдаб чиқарди».**

*Бухорий ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**